



4. ИЛМИЙ ИШЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ДИРЕКТОР УРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва Фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Филиал Кенгаши қарорларини, Филиал директорининг буйруқ ва топшириқларининг бажарилишини ташкил этиш;
- Филиал тузилмаси бўйича илмий ишлари бўйича директор ўринбосарига бўйсинувчи бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш;
- Филиалда илмий изланиш ишларни ташкил этиш ва етуқ, баркамол малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;
- Филиалда “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва бошқа таълимга оид қонунлар моҳиятини тушунтириш ва уларда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш борасида услубий ва замонавий ахборот воситаларини ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;
- Филиалда илмий изланишнинг замонавий шакллари, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;
- Илмий изланиш ишлари бўйича директорга таклифлар тайёрлаш ва ишларни ташкил этиш;
- Факультетлар, кафедралар ва бўлимларнинг илмий йўналишдаги иш режаларини тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- Филиал факультет, кафедра ва бўлимларининг илмий йўналишдаги фаолиятлари юзасидан Кенгаш йиғилишларида режа асосида ҳисобот бериш;
- Филиалнинг илмий муаммолар хайъатлари ва илмий инновацион гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;
- Филиал бўйича катта илмий ходим ва мустақил изланувчиларнинг илмий ишларини шакллантириш ва назорат қилиш ҳамда уларнинг фаолиятлари юзасидан мунтазам равишда Филиал директорига ва кенгаш йиғилишларида ҳисобот бериб бориш;
- Юқори илмий салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг Илмий мактабларини ташкил этиш ва фаолиятини назорат қилиш;
- Филиалда фан олимпиадаларини, жамият ва тиббиётнинг устивор муаммоларига бағишланган илмий – тематик семинарлар, илмий-амалий конференцияларни ташкил қилиш ва ўтказиш, Республика ва Хорижий мамалакатларда ўтказиладиган илмий-амалий анжуманларда Филиал вакилларининг иштирокини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси, Интеллектуал мулк агентлиги ва Давлат патент идоралари билан мунтазам равишда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, Филиал илмий ходимларининг грантлар ва хўжалик шартномалари билан ишлашига услубий-амалий ёрдам кўрсатиш;
- Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларининг илмий йўналиши бўйича фаолиятларини бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш;
- Илмий ишлар материалларини, шу жумладан, илмий журналлар ва илмий ишлар тўпламларини Филиал ходимлари томонидан тайёрлаш ва нашр этиш жараёни ҳамда Филиалнинг барча таълим ва илмий фаолият йўналишлари бўйича илмий даврий нашрлар билан кутубхона фондини тўлдириб бориш ишларини ташкил этиш;
- Иқтидорли ёшларни излаш, саралаш ва улар билан ишлаш жараёнларини бошқариш ва уларга кўмаклашиш, талабалар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси Ибн Сино номли давлат стипендияси ва бошқа номдор стипендиялар совриндорларини тайёрлаш жараёнида иштирок этиш;
- Кафедраларнинг илмий ишлар юзасидан йиллик фаолияти ҳисоботларини таҳлил қилиш ва директорга ҳулосалар киритиш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини замонавий усулларда амалга оширилишини таъминлаш;
- Таянч олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот Филиал ва марказлари билан илмий-амалий йўналишларда доимий ҳамкорликни амалга ошириш;

- Мехнат ва ижро интизомини бузган ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўриш, улар билан мехнат шартномасини бекор қилиш бўйича ректорга таклифлар киритиш;
- Филиалнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳисоботларни таҳлил қилиш ва белгиланган муддатларда тегишли юқори органларга тақдим этилишини назорат қилиш;
- Филиал директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки қабулини амалга ошириш ҳамда мурожаатларни кўриб чиқиш;
- Филиал Устави, ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари, кийиниш маданияти талабларини бажарилишини таъминлаш ва риоя қилиш.

Билиши керак:

- Ўзбекистон Республикаси қонунилари, Президент Фармонлари ва Фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини моҳиятини билиш.

Малака талаблари:

- Олий таълим муассасаларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;
- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, ҳушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса сўрагетик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;
- ОТМда бакалаврлар, магистрлар ва клиник ординаторлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлиши зарур.
- Олий таълим муассасасининг тегишли бошқарув бўғинларида - кафедра мудири, факультет декани ёки ўринбосари каби раҳбарлик лавозимларида камида 5 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотнинг энг паст даражаси	ЎМҚТМТЎКМ ва ОЎЙМҚ бўйича коди
2288	ОТМ директор ўринбосари	1210	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра